

## Жума ёки шанба кунини рўзага хослаш



10:00 / 30.05.2019 2518

*Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Бирортангиз жума куни рўза тутмасин. Магар ундан олдин ёки кейин тутсангиз, майли», дедилар».**

*Бешовлари ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Ушбу ҳадиси шарифга биноан, ёлғиз жума кунини ажратиб олиб, ўша куни рўза тутиб бўлмайди. Жума кунидан олдин бир кунни ёки кетидан бир кунни қўшиб тутиш мумкин.

Чунки жума куни ҳафталик байрам кунидир. Шунинг учун йиллик байрамлар куни рўза тутилмагани каби у кунда ҳам рўза тутмаган маъқул.

Шу маънода Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан ҳадис ҳам ворид бўлган. Бунинг устига, яҳудийлар ўзларининг ҳафталик байрамлари – шанба куни рўза тутар эканлар. Агар мусулмонлар ҳам ўзларининг ҳафталик байрамлари бўлмиш жума куни рўза тутсалар, яҳудийларга ўхшаган амални қилган бўлиб қоладилар.

*Абдуллоҳ ибн Буср розияллоҳу анҳудан, у киши сингиллари розияллоҳу анҳодан ривоят қилади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Шанба куни сизга фарз қилинган рўзадан бошқа рўза тутманглар. Агар бирортангиз узум донаси пўчоғи ёки дарахт шохидан бошқа ҳеч нарса топмаса, ўшани чайнасин», дедилар».**

*«Сунан» эгалари ривоят қилганлар. Имом Ҳоким саҳиҳ, деган.*

**Шарҳ:** Демак, ушбу ривоятга биноан, ёлғиз шанба куни рўза тутиб бўлмайди. Агар шундай қилинса, яҳудийларнинг иши қилинган бўлади. Бу ишга алоҳида эътибор беришимиз лозим. Чунки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Узум донаси пўчоғини ёки дарахт шохини топса ҳам шимиб олсин», деганлари шуни кўрсатади.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан**